Мана ўша мен учун азиз бўлган "дўстимни" ҳам кўрмаганимга 5 ой бўлди. Бир кун кўрмасам бигар нарсанини йўқотганда бўлардим. Бир-бираимизга ошиқардик. Лекин қани ўша дўстлик, кани ўша сенга садоқатли бўлишиш неча бор таъкидлаган дўстинг? Биласизларни, гоҳида тонгни туга улаб гаплашиб ўтириб. Фотима ва Зуҳра эгизакларга ўйланамиз дердик. "Сутдан оғзи кўйган қатикини ҳам пуллашиб ичади" деганларидек калбимнинг туб-тубида "ишочсанлизик" деб аталиш хиссият түфён урмоқда. Тўғри, бошка дўстларим ҳам бор. Лекин ўзимга ишонгандан дўстим мэндан ҳеч бир сабабсиз воз кечгандан кейин...

Баъзида ўзимга-ўзим: "Эй инсон боласи, сен ўша садоқатсиз дўстинг учун куйинма, унинг орқасидан ялиниб юрмагин, ўз қадрингни билгин, унга керак бўлмасанг, унинг учун бир пул бўлсанг, ким учундир энг керакли, энг азиз инсондирсан. Ахир сенда ҳам қалб, гурур бор-ку", дейман.

Бу хақда юртдошларим қандайдир фикр билдиришаркин? Маслаҳатларингизни интизорлик билан кутаман.

ШЕРЗОД

Фарғона шахри

КЕЛИН ҲАМ ФАРЗАНДИМИЗ

Мавлуданинг дил изҳоридан ногята таъсирлайдим. Ахир кизини узатган она кўп рузғор ишларини ўргатса ҳам келин бўлган хонадонингда "аза" бўлсин деб йиғи сўзларини ўргатиб кузатмайди-ку. Ҳаёт сабоқларини инсон аста-секин ўзлашибтириб, дононашиб боради. Мен ҳам бир пайтлар ёш эдим. Яхши-ёмонни бошимдан кўп кечирдим. Жигарларимдан абдий жудо бўлган кез-

«Кайнанамни эслаб»—37-сон

билин бирга ўтказгувчи ўз азиз фарзандимиз-ку. Келинларимиз хафа бўлса, ўйилларимиз ҳам кўшилиб хафа бўладилар. Буни унумтайлик. Болаларимизнинг тич-тунч туту яшашиз бозга ҳам болгик, деб ўйлайман. Уларга билмаганини ўргатиб, ёмонни яшириб, яхшишини ошириб тарбиялаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Насиба
САҶДУЛЛАЕВА

Тошкент

МАВЛУДА

СИЗ УЧУН, ТЕНГДОШЛАРДИГИЗ УЧУН...

Мен буш вақтларимда ҳалқ оғзаки ижоди билан қизиқиб лапарлар, келин саломлар ва йиги-йўқловлар тўллаб бораман. Бэзсан эса тўйларда айтиладиган келин саломларни қўлдан келганча ёшига ҳаракат қиласман. Мавлудаҳон сиз учун, ва сизнинг тенгдошларингиз учун қуидагилари ёзиб юбормоқдаман.

Тоғу-тошни төнг қилган,
Икки ёшни бир қилган.
Тил, виждан, иймон берган,
Аввал Ҳудога салом.
Тонгда чиқкан керилби,
Нур тараттган берилби.
Салом, салом, келин салом,
Қўйшомга салом.
Ҳар кеч юлдуз онаси,
Осмоннинг парвонаси.
Табмат дурданаси,
Оймомога бир салом.
Қўйкунинг сулув қизлари,
Тунда чақнор қўзлари.
Салом, салом, келин салом,
Юлдузларга бир салом.
Уй ичидан ўй берган,
Тиши кемтик кўй берган.
Енг учиди тўй берган,
Раис бобога минг салом.
Бог орқасидан йўл деган,
Жарақласа тоз деган.
Куруқ бўлмаса кўл деган,
Кудо боболарга салом.
Этаги ямок, тўн кийтган,
Оғзи билан ўнта кўй сўйган.
Пулини авайлаб тийган,
Кайнотасига минг салом.
Махалланинг сардори,
Тили ширин гармдори.
Қўлида синик дугори,

Матлуба ҲАМИДОВА
Кашқадарё вилояти,
Чироқчи тумани,
Ўмакай қишлоғи

Кайнанаминг ўнг кўли,
Туриб юрганда йўли.

Шу ўйнинг аса гули,
Энг катта овсингина салом.
Ўғил туғиб керилган,
Қоши-кўзи терилиган.
Бирор келса ёрлаган,
Қолган овсингалирга салом.
Ишга борса чарчаган,
Онасиникада яйраган.
Булбул бўлиб сайраган,
Кайнопаларига бир салом.
Айвон килиб, том ёғлан,
"Тико" да миниб чопган.
Мехнат килиб мол топган,
Кайнакаларига салом.
Янгам келди деб севинган,
Бир кундада етти хил кийнинган.
Ишим олди деб суюнган,
Кайнисингилларига бир салом.
Рўзгор тошине осган,
Ўтираса, турса кам босган.
Келин оёғин тез босган,
Кўй ўйгитга минг салом.
Бокувдан чиқкан отек,
Киз кўрса худди Гиротдек.
Юзи-кўзи бунотдек,
Кўёв жўраларига салом.
Тўйлар учун нон ёғлан,
Тогора қилиб тез чопган.
Тўрда ўтириб гап сотган,
Кўшилларга минг салом.
Кўлиши шира, усти кир,
Сакрашар дикир-дикир.
Келин учун ички сир,
Болажонларга салом.
Амма-ю холага салом,
Хамма, ҳаммага салом.

Дилбар НОРМУРОДОВА
Термиз шахри

СИЗ АЙБДОР ЭМАССИЗ...

«Ҳар қанча уринмайин»—42-сон

Тенгдошим А., агар малол келмаса сизга бъззи бир маслаҳатларимни бермокчи эдим. Мен ҳам 21 ёшимида турмушга чиқдим. Пешона экан, уч ойдан сўнг кўёв билан мурносимиз тўғри келмай, ўз хоших билан конуний ахрапидик. Бу орада кўнглимдан берар ўтгани ёлгиз Оллоҳга аён. Албатта, биринчи турмуш бу кимгadir бахт, кимгadir қайгу келтиради. Бўниши энди тақдир-азал деййлади. Тўғри, сизнинг фарзандингиз бор. Менда эса... Бу ҳам бир бахт. Сиз эса кўпам кўйинаверманг. Чунки сиз айбдор эмассиз. Кўлингиздан келганча оиласигини сизлашга ҳаракат қилгансиз, албатта. Неки бўлса ҳам сизни оқ ювиб, оқ тараф, элга фойда келтирувчи комил инсон килиб тарбия берган ота-онангиз хаёт эканлар. Шунинг ўзи яна бир катта бахт. Аввало улардан узр сўраб, уйга қайтиш. Отана биралбатта фарзандини кечирдилар. Шундан сўнгтина ишларингиз янада юришиб кетиши тайин. Ахирота рози, Худо рози дейдилар-ку?

Оиласигиза келсак, эскилардан орлган нақл бор: "Сўймаганга сўйкала!" Альбатта Н.га кўнглингиз бордир, лекин сиз ироадаси кучли эркак кишиисиз-ку.

Баъзан охиза бўла туриб, мен ҳам ироадами кучига суняман. Сизга маслаҳатим, оиласигиздан воз кечинг, барibir улар сизни тушунишмайди. Шундай экан, гурурингизни топташдан не фойда? "Иккичини марта турмуш куришга безиз колдим", - дебизис, бу нотўғри. Ҳар кандай кувончу-ташвишлар ўтиши тайин. Масалан, мен севган касбимга, меҳрибон онамга, оламга ва укамга суняман, шогирдларимга устоzlик қилаётганимдан фарҳанланаман. Қисқаси, ташвиш-кувончларимни улар билан баҳам кўраман ва шу билан ачна ингол тортаман. Тушунишмича, сизнинг ҳам севган ишингиз ҳамда фойдали юмушингиз

ЭСЛАТМА: Бир ташкилотда ишлаб катта обрў-эътибор топдим. Ўзим корхона очиб директор бўлдим. Ўй-ландим. Бир қизчали ҳам бўлдик. Ота-онам билан яшардик. Лекин Н. улар билан чиқишмай қолди. Охири кайнанамникига кўчдик. Онам бир неча марта узр сўраб, қайтариб олиб кетганин келди. Н. кўймади. Оқибат шундай бўлдики, бир куни ҳамма нарасамдан айрилдим. Хотиним билан ҳам ахрапидик. Ҳатто қизчамни ҳам кўрсатишмаяти.

У.

Бор. Ўзингиз эса, соғ-саломатсиз. Атрофга бўкинг, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин — шунинг ўзи яна бир бахт эмасми? Тақдирингиз измига тан беринг-да, энди шошилмасдан, ота-онангиз маслаҳати ва мулоҳазалари билан умр йўлдоштанланг. Ахир айтадилар-ку: "Эгилганга эгит-у, қерилганга қерил-".

Фикримча, қайнота-қайнанасининг, тур-

муш ўртоғининг хурматини жойига кўя олмаган келиндан яхшилик кутиш амри-маҳол. Шунинг учун факат яхши одамлардан яхшилик кутиш. Вакт ўтиб Н. ҳам ўз хатоларини англаб етар, лекин унда кеч бўлади. "Аёл киши шундай бўлса, ёлгиз ўтганим яши", - дебизис. Беш кўл баробар эмас-ку, колаверса ёлғизлик факат Оллоҳга хос. Бир муддатта тасавур килинг, кексайлан чигонгизда фарзандларингиз беминнат, дастёр бўлиб хизматигизга камарбаста бўлишиша, эслихуши, ақлли, сизни тушунган ахли аёлнинг яхши-онем кунларингизда ҳамроҳингиз, маслаҳатгўйингиз бўлса, сизга яхши эмасми? Булар албатта, менинг фикр-муҳозазаларим. Н.га сиз биргина сўз айтмоқчиман: «Тақдир ҳади қилган ажойиб инсонни кўлдан чиқарибиз...»

МУЯССАР

Андижон вилояти

ФУРУРИНГНИ БУКМА

«Агар оиласигга дарз кетса...»—46-сон

Искандаржон! Эй ўғлон! Дил изҳорингни ўқидим. Ўзбекчилик дегандай оиласига саклаб коламан, деб оғзигина тиришибсанми?! Юрагинг он ва поклиги шундайгина кўриниб туриди. Бир хотинга иззат-икром бундан ортиқ бўлmas. Гулдай хунаринг бор экан. Едириб-ириши, кийинтиришдан кам қўлмабсан. Ҳатто алоҳида ўй куриб, шароит қилиб берибсан. Ота-она-ларинг ҳам тиљо одамлар бўлса кераки, ўғлимиз тинч бўлса бўлди, деб сени кўллаб-куватлашган. Хотинингнинг қиликлиари эса бориб турган ношуқридан бошча нарса эмас. Одам шу дунёда бир бор яшайди. Умр калалак умридек ўтади-кетади. Беҳудага асабинги йўқотмоқдасан, болам.

Хатингда масаланинг илдизини аниқ кўрсатган экансан. Қадимиглар "Онасини кўриб, кизини ол" деб бежизга айтмагандар-да. Қанчалик хастлўшламайлик, қанчалик истихолага бормайлик, ҳар бир нарсани ўз номи билан атаган маъкул. Кайноннинг моллараст экан. Асли зотингга тортасан, деганларидек молларастик дастури қизи-яни сенинг хотинингнинг ҳам гуллаб, яшнамоқда. Қайнотангингин жонига тузим берсан. Бунақ хотинлар ҳатто жаҳаннам оташига қаланадиган ўтилини ҳам ярамайди.

Фикрларинг тиник, бамаъни, диёнати йигит экансан. Иш судгача борган экан, юкни кўпайтирасдан, масалани чўзмасдан ахрапидик. Ҳаётингни заҳар-закумга айлантириб нима қиласан?! Бу йўрим учун Оллоҳ кечирсан. Комилжонни эса Оллоҳнинг паноҳига топшири.

Ота-онангизга ризолигидан чикма. Улар фанимат, кейин тополмайсан. Атроғингда ўн гулидан бир гули очилмаган киззар бисер. шундай қалиқ танлагинки, ота-онангиз иззат-хурмат кислин, сенинг

ЭСЛАТМА: Биз Нозима билан аввалига яхши яшардик. Комилжон исмли ширин ўғлимиз бор. Шу фарзанди-мизни урганинг сабаб уришиб қолдик. Шу куниёқ хотиним молини олиб она-синикига кетиб қолди. Энди эса судга берибди. Онаси: "Ё мени дейсан, ёзингни!" -дебди. Мен эса ўғлим учун ярашиб, тинч яшашни истайман. ИСКАНДАР

кўнглингни олсин, ширин-шакар фарзандлар тарбиялаб, элга қўшиш. Энди сен танлайдиган киз Оллоҳни танинг, Пайгамбарни билган, Қуръону ҳадисдан хабари бор бўлсин. Бундай киз молларастикка берилимайди.

Синамаган отнинг сиртидан ўтма, дегандар. Нима бўлгандай қайлинигни яхшилаб ўрган. Нурли, бахти келажагинг опцидни, болам. Ўтмишингни унту.

Шундайлар борки, ҳаркаторлари тўғри келмадими, дарҳол оиласив ришталарни узадилар. Кўнглига маъкул бўлган жуфт билан яшайди. Бу билан оиласив қўйидикларидек олваҳорсинг, демокризмамон. Бошдан адашмаслик, адашгандан эса хотинигин тузатмоқ даркор. Жуфтинг синовадан ўтломадими, яна синовга қолаверади. Зоро, биз ҳаммамиз бу дунёга синов учун келганимиз.

Искандаржон ўғлон! Энг мухим нарса — фурурингни ўлдирма, ориятингни ѡёқ ости килма. Тўғри, эркак билан аёлни биринчи навбатда ишкӣ муносабатлар бояғлаб турса, оиласи бўла шулаш туради. Эркаклик фурури, миллат фурури, йигитлик шашни биринчи ўринда туриши керак. Фурурингни букини, шашнингни булғами. Келажагинг эса олдинда.

ҚУҚО҆РҒОНИЙ

Карши

(Боши ўтган сонда)

Мен кўлимдан келганча ота-онамга, укаларимга, ночор одамларга, пулга мухтоҳ карилярга ёрдам берни турар эдим. Пул, бойлик мени кизиктирас эди. Лекин, афсуски, мен негадир фарзанд кўрмадим. Бирон марта ҳомилодор бўлмадим. Она бўлиши жуда хоҳлар эдим. Фарзанд кўрсан оз бўлса-да, баҳти бўламан деб ўйлардим. Йўқ, бу баҳт хам мени четлаб ўтди. Шундан сўнг фарзанд асрар олдим. Энди хаётимда кўзимни кувонтирадиган кизалогим бор эди. Унга энди ота керак эди. Тўғри, менга уйланаман деган одамлар кўп эди. Аммо улар оиласи эркаклар эди. Мен ҳеч қачон мени деб боша бир аёз озор чекишини хоҳламас эдим. Лекин эркаклар буни тушунишас, мени ўз ҳолимга кўйишмас эди. Кизим 2 ёшга кирди. Тили чиқди, гап тушундиган бўлди. Нигора мен билан яшагани сабаб феъл-атворимни яхши биларди. Бир куни у Анвар деган йигит билан тил бириттириб, мени жазоламоқи бўлишибди. Сабаби, ўзим севмаганим учун эркакларни тушунмас эдим. Улар севманам дейишиша, кулар эдим. Аёлига вафо қилмаган эркак менга вафо қиладими, дер эдим. Нигора эса тез-тез кимнидир севиб қолар эди. Бу менга ёқмади. Менинг характеристим оғир, кайсар, бир сўзли аёл эдим. Фийбат қилишни, ёлғон гапириши, лагонбандорлик қилиши билмас эдим. Бу кўпчиликка ёқмас эди. Ўзимни оппок қилиб кўрсатиши хам хоҳламас эдим. Шунинг учун Анвар менинг қандайлигимни билар эди. Аммо ўтмисимга қарамасдан: "Сени хотинликка оламан, қизингга оталик қиласман. Хотинимдан ажрашганим", - деди. Мен қизим учун рози бўлдим. Никоҳ ўқитдик. Ота-онам келишиди. Аммо улар мени алдашган экан. Нигора унинг хотини борлигини, улар ажрашмаганликларини билар экан. Нигора Анварга: "Хотининг борлигини билса тегмайди", - деган экан.

Анвар аслида катта микдорда қарз бўлиб қолиши, қочиб юрган, шу сабабдан уйга бормас экан. Менга: "Ота-онам билан гаплашмайман, хотиним деб уришиб қолганимиз, хотиним жанжалаш аёл эди, уй-жойни ташлаб чиқиб кетганим, ётоқхонада турман", - деган эди. Мен ишонгандим. Бир ойдан сўнг Нигора билан Анвар ўзаро уришиб қолиши. Нигора Анварни, Анвар Нигорани сотди. Қисқаси уларнинг иккласини хам эшидим. Лекин энди орқага йўл ўйқ эди. Кўпроқ Нигорадан хафа бўлдим. Негаки, унга доим яхшилини раво кўрар эдим. У менинг ягона дугонам эди. Унинг кетишини сўрадим. У йиглаб, кечирим сўраб чиқиб кетди. Бир ой ўтиб уйимни сотдим. Зебу-зийнатларимни, мебелларимни сотдим. Пулларни эримга бердим. "Карзларингни тўла", - деб. Карзларидан кутулди. Мен ижарага чиқиб, яшай бошладим. Эрим эса кўш хотинлик бўлиб қолди. Карздан кутулгандан сўнг 3 ойдан кейин эримни кетидан хотини келди. Хотини эрининг қарзини мен тўлаганимни, уларни шу 3 ой ичидан мен бокиб келаётганимни билар эди. Эримиз эса ҳеч қаерда ишламас, хали ўз уйда, хали менинида юрар эди. Эр-хотин бир-бirlарини обдон хақорат қилиши. Эрим уни урмокчи бўлди. Мен йўл кўймадим. Хотини эса раҳмат ўрни-

га. Менга: "Эринг отамдан 1000 доллар карз, эр керак бўлса тўла", - деди. Мен индамадим. У кетди. Эрим ўтириб роса йиглади. Унга раҳмим келди. Лекин уни севмас эдим. Бу менга Оллоҳонг жазоси деб қабул килдим. Сабаби мен 5 йил ичидан жуда кўп эркакларни йиглатдим. Қарғиша қолдим. Аммо шу 5 йил ёлғиз яшаган давримда жуда кўп нарсалар содир бўлди. Мени хўрлаган бирин-

дик. Баҳром бизни олиб кетди. Мен уни машинада гапга солмокчи бўлдим. Аммо негадир ўхшамади. Унга нима деб тушунтириши билмадим. Биз квартирага келдик. У ерда бизни ўртоғи кутиб олди. Стол бе-затилган эди, 4 киши ичидик. Негадир Баҳром мен билан эмас, Нигора билан гаплашар эди. Уни кўриб турсам менга шу етарли эди. Менга нима бўлаётганини тушунмас эдим. Нигорани яна мен билан яшашга кўндириб. Сабаби - Баҳром эди. Эрим бошида қаршилик қилди. Унга мен: "Сен уйингга кетганинга кўрқа-япман", - дедим. Эрим бир кун у ёқда, бир кун менинида яшар эди. У рози бўлди. Нигора қолди. Нигора туфайли Баҳромни икки ойгача кўриб турдим.

Нигорага уни севишими тушунмас эдим. Унга: "Баҳром менга ёқмайди, сизни деб юрибман", - деди. Охири мен Баҳромга менга ёқишини айтдим. Бу ишларни уни кўриш учун ўйлаб топганимни тушунтириб мокки бўлдим. Нигора хам мени деб сен билан юриби, дедим. У: "Менга фарқи йўк, менга бошида сен

30 га яқин китоб ўқиб чиқдим. Мен

ўз бахтсизлигимга бошқаларни айбодор кимласлигим, балки айбни

ўзимдан қидиришим кераклигини англадим.

Мен ҳозир ҳалол яшашга, инсонларга яна хам кўпроқ яхшилик қилишга,

қизимни яхшилаб тарбиялашга харакат киляпман. Қизим имлми одам бўлиб этишишини хоҳлайман. Бунинг учун кўлимдан келгана ҳаракат қиласман. Келажақда яхши инсон бўлишини хоҳлайман. Мен кўрмаган баҳтини у кўрсин, мен этиши олмаган севигига у этишисин. Севсин, севилсин. Бу

дунёда инсонни баҳти қиласиган

нарса бойлик

эмас, давлат, мансаб

эмас, бу сен севгани, сени сева-

диган инсонни топсанг, шунинг ўзи

катта баҳт экан. Мен бир ўзим ёлғиз

ўтдим. Демократики, мени тушунадиган на бир дўст, на бир ёр топдим.

Мен ўзи ёхтёда жуда камгат одамман, ҳеч қачон дардимни бирорга айтмайман. Ҳамма нарсани ичимга ютаман. Мана 10 йилдирки, кўз ёшимини ҳеч ким кўрмади. Йиглаш бу

заифалар иши деб биламан. Эртадан кечгача иш, оила ташвиши билан бандман, бўш қолсам китоб ўқийман. Эрим билан гаплашшини хоҳлайман. Биз худди бегоналардекиз. Маҳалла аёлларига қўшилмайман, улар доим кимнидир гийбат килишибди. Бу менга ёқмайди. Дил изхоримни ёзиб бир оз ёнгил тордим.

Мана 4 ой бўлди, кечалар ухламайман, ўйкум келмайди. Мени ким биландир Баҳром ҳакида гаплашгим келди. Биринчи марта кимдир менини дардларимни тинглашини хоҳладим.

Хатим газетада босилса, деб умид киласман. Баҳром бу газетани севиб ўқиди. Мен уни анчадан бўён кўрмайман. У мени ўзгарганимни билишини хоҳлайман. Ундан ҳамма ахмоқликларим учун узр сўрайман. Мендан рози бўлсин. Дунёда Баҳромга ўхшаган йигитлар кўпроқ бўлса, бизга ўхшаган аёллар камроқ бўларди. Мен унга оиласи бахт-саодат, соғлиқ тилайман. Мен ўзгардим. Мана 3 йилдирки ҳалол яшайпман. Тўғри, бу осонликча бўлаётганини ташлаб якади. Мен энди орга ҳеч қачон кайтмайман. У мен ҳакимда ҳеч нарса билмайди. Унга ўзим ҳакимда сўзлаб бермаганман. У кўнгил оғирларимдан ого бўлишини истайман...



ДИЛ ИЗХОРИ

МЕН ЭНДИ ОРТГА ҚАЙТМАЙМАН

чи эрим 3 марта уйланди. Аммо оиласи бўлмади. Мендан кечирим сўраб келди. Унинг укаси бир кизни зўрлаб 15 йилга қамалиб кетиди. Менга шу эрни топган онамнинг холоси мени биринчи бўлиб айбдор қилганди. Онамга: "Киз тарбиялашни билмабсан", - деб ташлаб кетишиди. Мени хўрлаганлар жазоларини олишибди. Ҳудодан қайтиди. Энди гал менга келди, деб ўйлар эдим. Ахир Анварни ўзим топдим. Ҳеч ким зўрлаб бермади. Демак, бу менинг жазоим, деб ўйладим. Чидадим. Унинг хамма киликларини кечирдим. 2 йил офицанткалик қилдим, бозорга чиқиб пул топишга ҳаракат қилдим. Эрим ишламайди. Ҳунари ўйқ. Ота-онам кари, улар хам ишламайди, укаларим ишламайди. Шунда ота-онам менга дўкон очишни маслаҳат бериди. Онам номига 1996 йил дўкон очдим. Ота-онам ишлашар, мен мол олиб келар эдим. Ҳаётим бироз оғизлиларни сўрадим. Унинг кетишини сўрадим. Ота-онам хам тинч, мен хам. Орадан 6 ой ўтиб, укамни уйлантридик. Дўёндан тушаётган пул ҳаммамизга яшаш учун етарди.

1997 йил кеч кузидаги мени дил изхоримни биринча сўз юритганимдек Баҳромни уртадидим. Уни севиб келдим. Бир умр кутган севги. Билмадим, нега бундай бўлди? У чиройли, келишган йигит эмас, гапга хам уста эмас, бой хам эмас, оддий йигит. Эртаси куни Нигорани телефонни килиб чиқидим. Ундан кечаги йигитларга телефон килишни сўрадим. Ўртоқлари келди. Баҳром келмади. Мен унинг оғайнисига: "Агар Баҳромни олиб келсанг, учрашмасиз", - дедим. У рози бўлди. Икки кун ўтиб учраш-

диган эдинг, лекин ўртогим сени ёқтиргани учун индамадим", - деди. Аммо унга хам бефарқ эди. Ҷақирак селар, бўлмаса ўйқ, лекин мен узис яшай олмас эдим. Нима бўлди-ю, эримга катта миқдорда пул керак бўлиб қолди. Катта қисмини дўёндан олдим. Қолганинга Баҳромдан сўрадим. У берди. 8 ой Баҳромни кўрмадим. Сабаби қарздор эдим. Шундай бўлса хам 2-3 марта телефон орқали гаплашдим. У пулини сўрамас эди. Буни билар эдим. Аммо унинг кўзига қараш олмас эдим. 8 ой унинг хаёли билан яшадим. Охири оз бўлса хам пул топдим. Яна Нигорага ишга солдим. Биз яна учрашдик. Бир куни мендан Баҳром: "Дунёда севги, вафо борми?", - деб сўради. Мен: "Севги бор, вафо ўйқ", - дедим. Шунда унга "Оила ва жамият" газетасидаги маколани кўрсатди. Маколада бир аёл эрини жуда севар экан, аммо камбағал яшашкан. Эри ишлайдиган ишхона хўжайини шу аёлни севиб колишибди. Юриши таклиф қилишибди. Аёл қўймади. Охири бўлмагач, эрини тұхмат билан қаматиби. Аёлга: "Агар мен билан бўлсанг, эрингни чиқартириб юбораман, бўлмаса қамалади", - деди. Аёл эрини деб унинг таклифига рози бўлиби. Аммо унинг олдидан чиқиб ўзини 9-қаватдан ташлаб юборида. Мен бу воқеани ўқиб чиқиб унга нима дейишни билмадим. Шуни тушундикни, у менга ўхшаган аёллардан нафратланади. Аммо мен тушунганим билан қалбим тушунмас эди. Ушандан бошлаб ўзим янада кўпрак нафратланадиган бўлдим ва шуни тушундикни, у ҳеч кимга ўхшамайди. Баҳром ёлғон гапирмас, 5-10 минутли роҳатни деб



КЕКСАЛАР

Хавасимни келтирилган зимдан, Ташвишлардан тинган кексалар. Елкасига қалдирор каби, Неваралар мингандан кексалар. Кузаттинглар ёшлиг чогини, Кўп кўрганлар алам доғини. Бошга тушган куфрат тоғини, Сабр билан енгандан кексалар. Бир пайт бўлган шерларнинг шери, Бугун ажин остида тери.

Шўрттаккина пешона тери, Дўпписига сингган кексалар. Фарзанд – мева, набира – болдек. Бир кунлари ўтди солдек. Эгилади кадлари долдек, Айрилганда тенгдан кексалар. Соч оқарган фамгусорликдан, Огохдирлар мудом борлиқдан. Биз кўйналсан ичторликдан, Келадилар кенгдан кексалар. Шукр етарлар саҳардан то шаб, Болакайлар олганда куршаб. Сехгрардек майизу туршак, Чикарларлар енгдан кексалар. Сизис ўтмас бирор онимиз, Сиз бор-оро топар жонимиз. Сиз борсиз-ки, хонадонимиз Чароғонтир чидан, кексалар. Эзгуликкада сизлар бошу-кош, Оллоёрга дуонгиз маош. Нима бўлти саксон-тўксон ёш?! Ошинг юздан, мингдан кексалар!

АРМОН

Бола пайтим, ён кўшни кампир, Жони чиқиб мен кўлган ишдан. Кувлар экан, қарғаниб дерди: - Кўрсатардим кўлмуга тушсанг!

Мен-чи, сира қилмасдим парво: Чопқир эди икки оёғим! Тутқич бермай кўшни кампирга, Ўтиб кетди болалик чогим.

Бўй ҳам етдим, тинчида кампир: Дуо килар кўриб бўйимни. Аммо, энди бир синфдош киз, Тинчин будзи сокин ўймини.

Узок-узок кунга термулиб, Тикилардим, сира тўймасдим. Кайда бўлмай – мактабни йўлда, Уни ўз тинчига кўймасдим.

Ҳазил қилдим бир кун ботиниб, Ва сал қолди - ер эдим муштин. Киз ортимдан қолди кўл силтаб: - Кўрсатаман, кўлмуга тушгин!

Лекин менга килмади насиб, Кизнинг кўлларига тушмоқлик.

Унинг менга аталган "муштин", Олиб кетди кўшни кишлоклик.

...Кампирдан ҳам айрилдик, уни, Кай бир иили обкетди ўлим. Синфдошим билан гоҳида, Тўкнаштириб кўяди Ўлим.

"Яхшимисиз?" дегим келади, Бироқ менда айланмайди тил. У ҳам кетар йўлига, кўлган Дағдагасин унугтан шекил...

Сўнг ўйкусиз ўтар кечалар: Кўз олдимга келар кампир, киз... Айтинг, дейман, гар кўлингизга Тушсан, нени кўрсатардингиз?!

Кўр бир бора йўқотар асо: Кўрдим, билдим, тажриба ортди. Аммо, энди кимга ҳам керак, Айтинг, мендек юраги ёрти?

Хаёт эса қилар ўз билгин: Карғангана қолар холалар. Хамон кўлга тушмоқдан чўчиб, Тутқич бермас чопқир болалар!

ДУДУК МОМО

Кишлоғимизда ҳеч кими йўқ гунг кампир – Дудук момо бор бўлиб, биз болаларнинг куни унинг ховлисида ўйин билан ўтарди...

Ёлғиз эди Дудук момо, Кенг ховлида бир ўзи. Ёлғизликдан, кекалиқдан, Хира тортганди кўзлари. Узумлари қаровсиз ҳам, Шигиф хосил қиларди. Кампир эса кўриклишнинг, Зўр ўйлани биларди. Бизде бола-бакаларни, Ҳовлисида чорларди. Биз кетганда хира кўзи, Чироқдайнор порларди. Ҳар кун эрга сахар бизни, Кутар эди момомиз. Кўлимизга қанду назвот, Тутар эди момомиз. Биз беш-олти ўй боласи, Бир болага дўнардик. Ўз ўйда бешиблар ҳам, Бунда гапга кўнтардик. То кечгача ишком ости, Бизга ўйин жой эди. Яқинлашмас бирор чумчук, Дарров "Хой-хой" эди. Ёз ўтарди, куз ўтарди, Киш келарди қаҳрли. Кўйну кўнжи қорга тўла,

Аёзлари заҳарли. Аммо одат кандо бўлмай, Келар эдик қанчамиз. Кампир эса чўгъ согланча, Гуллатарди танчамиз. Бизни гапга солиб кўйиб, Дардимизни биларди. Орамизда етим-есир, Бўлса бошини силярди. Онамизга айтолмаган, Сирни унга айтардик. Хулас, паста бу кулбадан, Ка-ат-та бўлиб қайтардик. Қолиб кетди ортда ёшлик, Кампир ҳам йўқ оламда. Кечя ўзим бола эдим, Бугун кўнглим боламда. Махаллада болалар кўп, Турлик нашшу наъмоси. Афуски, бу болаларнинг, Йўқдир Дудук момоси. Она экан момо бизга, Маёк бўлиб порлаган. Боримизни аллаган бол, Йўғимизни борлаган. Махаллага она экан, Муштаккина бўлса ҳам! ...Кўргим келар яна уни, Тушдагина бўлса ҳам.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ


Ўтган сонларнинг қисқача мазмуни: Лобар билан Равшан бир-бирини севишиади. Аммо Лобарнинг ота-онаси уни мажбурлаб бошқа йигитга унаширишиади. Равшан ҳам ноилож, ота-онаси қистови билан Розия исмли қизга ўйланади. Лекин унинг Розияга кўнгли йўқ эди...

Бурчакка осилган чимилдиқ орқасидан, бошида дўппи, эгнида атлас кўйлак, осмондаги тўлун ойдан ҳам чиройли бўлиб Розия чиқиб келди. Равшан унга бир муддат тикилиб қолди. "Бунча чиройли бўлмаса. Лобардан юз бора гўзал-у, лекин кўнгил кургур унга мойил бўлмаса нетай". Розия Равшаннинг тикилиб турганидан уялиб ерга қаради. Равшан ўттадаги нокулайликни тузиатиш учун нима килишини билмай: - "Тўйимиз яхши ўтди-я?", - деди тутилиб.

Энг ёмони эса, мактабни битиргандан кейин Маҳбуба бошқа йигитга эрга теккани бўлди. У дугонаси билан каттиқ уришиб қолди ва ҳалигача гаплашмайди. Кечагина: "Равшанни севаман, усиз яшай олмайман", - деган одам: "Ўзинг тегакол, сенга бердим уни", - деди-я. "Хали қайтиб келадими-йўқми", - деганда Розия

Раъно АВАЗОВА

ЁШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ



Розия Равшанга "ялт" этиб қаради. Равшан боягидан ҳам нокулай ахвозда қолди. "Ҳа", - деди Розия. - "Яхши ўтди, бирорларнинг тўйларини кўп кўрганман-у, лекин бунака тўйин..." Розия охирги сўзини тугата олмади, чимилдиқнинг бир чети билан юзини яшириди. Равшанинг кўз олдига тўйда келинчакка бир оғиз ҳам гапирмагани, бутун хаёли Лобарда бўлгани келди. Розияга қараб: "Мен Отабекка, у Зайнабга ўхшайди", - деб хаёлидан ўтказди. "Китобдаги Отабекнинг Кумуши тўйдан кейин ўлган бўлса, менинг Кумушим тўйдан олдин ўлиб, юрагимга кўмилган".

Равшан шартта орқасига бурилиб даҳлиза чиқиб кетди. Тўшаб кўйилган кўрпачага ёстик кўйиб бошини буркаб ётиб олди. "Яна нотўғри килдим, тўйдагидан ҳам буниси ошиби тушди. Аммо нима килай, ўзимни мажбурлаб унинг кўнглини кўтара олмайман", - деган ўй кечди хаёлимдан. Равшан чиқиб кетганидан кейин, Розия деворга осигури катта ойна олдига келди. "Дугоналарим тўй кечалари ҳақида тўлиб-тошиби гапиришади. Уларга хавас килардим. Менга аталган кечанг шуми, Оллоёрги!". Розия астагина ўтири-да, ёстикни ёнига олди. Унга бошини кўйиб, тўйиб-тўйиб йилгагиси келди. Бошини кўйди-ю, хаёгла чўмди.

8-синфда ўқиб юрганида, муҳаббатнинг нима эканлигини тушунмасдан турниб, ўзидан икки ўш катта Равшан исмли болани яхши кўриб колган эди. Унга ҳам кўрганини яхши кўриш учун бораётгандек эди. Бир кун ўша Равшан уни кўчада учратиб қолиб, бир хат тутқазди-да: "Дугонанг Маҳбубага бериб кўй", - деб илтимос килди. Розия жудаям кийин ахволга тушган эди ўшандо. Аммо у муҳаббатни яхши кўрган одаминг билан қай йўл орқали бўлса-да бирга бўлишда эмас, яхши кўрган одамингни бошига бирор билан бўлсада баҳти кўришда, деб тушуниди. Маҳбубага: "Яхши бола-ку, хўп дегинг", - деб ялинид-ёлворди. Маҳбуба "майли", деб жавоб ёзган куни, Равшан энг баҳти одам эди. "Раҳмат, раҳмат, сенгағайм", - деди у Розияга. Розия гарчи энди Равшандан бутунлай ажралган бўлса-да, унинг хурсандлигини кўриб, "Тўғри килдим", - деди ўзига ўзи. Аммо кечаси ёстик остига бошини буркаб узок йиглади. Мактабни битиршига бир йил қолганда Равшан армияга кетди. Унинг Афғонистонга тушганини эшигтган Маҳбуба ҳам, Розия ҳам хафа бўлди.

нинг бутун вужуди музлаб кетди. Равшан бир хатиди: "Сен бу ерда нишалар бўлаётганини билмайсан. Мен ҳар куни 1-2 та дўстимдан ажрайман. Менинг тириклигим сен туфайли. Мени интизор бўлиб кутаётганилигини кўз олдимга келтираман. Сенинг муҳаббатнинг мени ўлтиманд омон саклашига ишонаман", - деб ёзганди.

Маҳбуба эрга текқа, Розия Равшанга бир нима бўладигандек, унинг хатларига Маҳбубанинномидан жавоб ёза бошлади. "Армиядан қайтиб келганидан кейин бир гап бўлар", - деб ўйлади у. Равшанинг меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган хатларини ўқиган Розия: "Нега бу сўзлар менга атамаган. Дунё бир кам деганлари рост экан-да, бўлмаса бир бевафоқ қиз - Равшанинг тирниғоригам арзимайдиган қиз шунча муҳаббатга сазовор бўладими? Мен-чи, мен Равшан учун жонимни беришига тайёрман-у, лекин севилишга арзимайдам".

Дўстларидан бирни Равшанга ёзганми, бир куни Розияга ундан ҳат келди.

"Менинг азиз синглум Розия, - деб ёзганди Равшан, - сенинг қалбинг шунчалар пок, муҳаббатнинг шунчалар тозаки, тўғриси хаётимда биринчи бор кўраյман сендай қалби пок кизни. Аммо кўнгил кургур шундай нарса эканки, у вафолими, бевафоми кимга меҳр кўйса ўшандага интилар экан. Агар эсон-омон кишлокази борсам, сенинг тўйингда энг қиммат баҳо, энг катта совғани мен тақдим этаман. Сенинг туғишган оғангдан хам яқин акан бўламан".

(Давоми бор)

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ	-	якка обучанилар учун 176 ташкилотлар учун 177
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 ракам билан рўйхатга олинган.		
Буюртма Г - 3126. Формати А-3, хажми 2 босма тобок.		
Баҳоси эркин нарҳда.		Адади - 30 000
Сахифалори - Жаъфар ЖАББОРОВ.		
Рассом - Набиён КОЛМУРОДОВ.		
Навбатчи - М. СОДИКОВ.		

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Кабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50

«Шарқ» нашриёт-матбаба акциядорлик компанияси босмаҳо наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-йй. Босишига топшириш вақти - 20.00. Босишига топшириди - 20.00. Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.